

ВАТАН УЧУН, МИЛЛАТ
УЧУН, ХАЛҚ УЧУН!

XXI ASR

IJTIMOIY - SIYOSIY GAZETASI

21asr.uz XXIasr_yangiliklari XXIASR XXI



Gazeta 2004-yil
1-yanvardan chop
etila boshlagan

12-mart
2026-yil
10 (1 164)

“НАВРЎНИ УЛУҒЛАШ – ИНСОННИ УЛУҒЛАШДИР!”

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Шавкат Мирзиёев 2026 йилда нишонланадиган
улуғ айём – Наврўз умумхалқ байрамига
тайёргарлик кўриш ва уни юқори савияда ўтказиш
бўйича қарор қабул қилди.



Аввал юрагинга мўралайди у,
Сўнгра куртакларга ўргатади сўз.
Заминнинг кўзидан қочади уйқу,
Демак, Баҳор келди,
Келмоқда Наврўз!

Буюк аллома Абу Райҳон Беруний “Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар” китобида “Йилнинг биринчи кунин – Наврўз. Наврўз оламнинг бошланиши ва яратилишига далил қилинган”, дея бежиз ёзмаган. Ёки Йилбошини ҳар йили уйғониш, янгиланиш байрами сифатида нишонлаймиз-у, лекин кўпчилигимиз бу айёмнинг тарихи ҳақида деярли кам маълумотга эгамиз. Наврўз атамаси Авесто ёзилган тилдан олинган бўлиб, “nava” – янги, “rəzanj” – кун, ёруғлик дегани. Яъни ҳозирги форсчада “нав” янги, “рўз” кун, “янги кун” маъносини англатади. Ушбу терминнинг илк ёзма манбаларда учраш тарихи милoddан аввалги II аср, яъни Парфия давлати ҳукм сурган даврларга тўғри келади. Не-не замонлардан келаётган бу шукуҳли, бетакрор байрам инсоният тамаддунининг буюк мероси сифатида қадрлидир.

О‘зLiDeP ВАКИЛЛАРИ...



ХАЛҚ КЎНГЛИГА ЙЎЛ ТОПИЛСА

амалий натижа бўлади

ХАЛҚ БИЛАН ЮЗМА-ЮЗ МУЛОҚОТ – МУАММОЛАРНИ ТЎҒРИДАН-ТЎҒРИ ЭШИТИШ, УЛАРНИНГ ЕЧИМИНИ ИЗЛАШ ВА ТЕГИШЛИ ИДОРALAR ОЛДИГА АНИҚ ВАЗИФАЛАР ҚўЙИШНИНГ ЭНГ САМАРАЛИ УСУЛЛАРИДАН ҲИСОБЛанаДИ. БУНДАЙ УЧРАШУВЛАР ФУҚАРОЛАРНИНГ ДАВЛАТ ИДОРALARИГА БўЛГАН ИШОНЧНИ МУСТАҲҚАМЛАЙДИ ВА ЖОЙЛАРДАГИ МАСАЛАЛАРНИ ТЕЗКОР ҲАЛ ЭТИШГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ.

3

О‘зLiDeP ФРАКЦИЯСИДА

БИЗНЕСНИ БОШЛАШДА ҚУЛАЙЛИКЛАР ЯРАТИЛМОҚДА

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги О‘зLiDeP фракцияси йнгилишида дастлаб Президентимиз ранслигида фармацевтика тармоғида ишлаб чиқаришни кенгайтириш ҳамда соҳага илғор технологияларни жорий этишни жадаллаштириш масалаларига бағишлаб ўтказилган видеосекторда илгари сурилган ташаббусларнинг аҳамияти ҳақида сўз юритилди.

Депутатлар мазкур тармоқни янада ривожлантириш, янги ишлаб чиқариш қувватларини яратиш ҳамда маҳаллий дори воситалари улушини ошириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилаётгани аҳолини сифатли ва арзон дори воситалари билан таъминлашда муҳим қадам бўлганини қайд этишди.

– Аҳоли саломатлиги ва ҳаёт сифатини таъминлашда фармацевтиканинг ўрни бекиёс, – деди фракция аъзоси Севара Убайдуллаева. – Сўнги йилларда ушбу соҳани ривожлантириш учун кенг имкониятлар яратилди. Хусусан,

тармоққа катта ҳажмда инвестициялар жалб қилиниб, кўплаб янги ишлаб чиқариш қувватлари ишга туширилди. Натижада маҳаллий дори воситалари сони ортиб, мамлакатимизда ишлаб чиқарилган фармацевтика маҳсулотлари халқаро бозорларга ҳам кириб бормоқда.

Фракция аъзолари давлатимиз раҳбари белгилаб берган устувор вазифалар соҳани янада ривожлантиришга хизмат қилиши ва бу йўналишда фаолият олиб бораётган тadbirkорлар учун янги имкониятлар яратишини алоҳида таъкидлашди.



Шундан сўнг депутатлар “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қў-

шимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳасини кўриб чиқдилар. Маълум қилинганидек, мазкур қонун лойиҳасини иккинчи ўқишга тайёрлаш жараёнида депутатлар томонидан берилган

қонунда архив ҳужжатининг электрон нусхаси, идоравий архив, электрон архив тушунчаларига берилган таърифлар аниқлаштирилди. Шунингдек, қонун лойиҳаси электрон архивни ташкил этиш тартиби ва ўзига хос талабларини белгилловчи алоҳида модда билан тўлдирилди. Лойиҳа билан лицензия ва рухсат бериш тартиб-таомилларини соддалаштиришга оид белгиланган нормаларга аниқлаштирувчи ва таҳририй тузатишлар киритилди.

Фракция аъзолари ушбу ҳужжатнинг қабул қилиниши аҳоли ва тadbirkорлик субъектлари учун бизнесни бошлашда ортиқча таомилларни бартараф этиш, архив ташкилотларининг ҳуқуқий мақоми ва фаолиятини тартибга солишга хизмат қилишини эътиборга олиб, уни маъқулладилар.

Йнгилишда кун тартибидан ўрин олган барча масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Нурхон ЭЛМИРЗАЕВА,
“XXI asr” мухбири

2 КИМДИР ИШОНЧНИ
ОҚЛАДИ, КИМДИР...



4 ИНТИЛГАНГА
ТОЛЕ ЁР



5 ЯНГИ ГЕОСИЁСИЙ
ЗИЛЗИЛА:
ЭРОН, АҚШ-ИСРОИЛ ВА
МИНТАҚА КЕЛАЖАГИ



6 Аҳмаджон МЕЛИБОЕВ:
МАҚТАНИШ ЭМАС,
УЯЛИШ КЕРАК




 ЎҚУВЛАР

 БПТ ҲИСОБОТ САЙЛОВЛАРИ
 


НАВБАТ КЕЙИНГИ БОСҚИЧГА

Вақтнинг юғуричилигини қаранг: янги йилнинг ҳам уч ойи ортада қолди. Ана шу муддат давомида О'зЛиДеР Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси ҳамда Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги партия фракциясининг 2025 йил 29 декабрдаги қўшма йиғилиши баённомаси ижросини таъминлаш мақсадида сиёсий куч ходимларининг бир неча босқичли ўқувлари ташкил этилиши белгиланган эди.

Дастлаб партия туман ва шаҳар кенгашлари раисларининг биринчи ўринбосари – аппарат раҳбарларининг сиёсий ва профессионал малакасини оширишга қаратилган ўқув курслари ташкил этилиб, унда жами 191 нафар тинловчи муваффақиятли қатнашиб, махсус сертификатга эга бўлди. Кўзланган асосий мақсад ҳудудий ташкилотлар фаолияти самарадорлигини янада юксалтириш, раҳбар ходимларнинг сиёсий саводхонлиги ва бошқарув кўникмаларини мустаҳкамлашдан иборат.



Ушбу ўқувларнинг навбатдаги босқичида партия вилоят кенгашлари аппарат ходимлари ва алоҳида йўналишлар бўйича бўлим мудирлари ўқув машғулотларида қатнашди.

Ориф ТИНИБЕКОВ,
О'зЛиДеР Амалий лойиҳалар ва сиёсий таълим маркази етакчи мутахассиси

КИМДИР ИШОНЧНИ ОҚЛАДИ, КИМДИР...

ЖОРИЙ ЙИЛНИНГ 10 МАРТИГА ҚАДАР О'ЗЛИДЕР ТАРКИБИГА КИРУВЧИ 16 205 ТА БОШЛАНҒИЧ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТИДАН 6 326 ТАСИДА ҲИСОБОТ САЙЛОВ ЙИҒИЛИШЛАРИ ЎТКАЗИЛДИ. УЛАРДАН 5 384 ТАСИДА ҚЎЙИ БЎҒИНЛАРНИНГ ЎТГАН ЙИЛГИ ФАОЛИЯТИ ИЖОБИЙ БАҲОЛАНИБ, АМАЛДАГИ РАИС ВА ЎРИНБОСАРЛАР ҚАЙТА САЙЛАНДИ. 492 ТА БПТГА ЭСА ЯНГИ РАИСЛАР САЙЛАНДИ.



Тошкент шаҳар Миробод тумани “Янги Миробод” МФЙ қошида ташкил этилган бошланғич ташкилотининг навбатдаги ҳисобот сайлов йиғилишида О'зЛиДеР Миробод туман кенгаши раисининг биринчи ўринбосари – аппарат раҳбари Феруза Муродхўжаева иштирок этди.

Даставвал қўйи бўғиннинг ўтган йилдаги фаолияти юзасидан ҳисобот берилди. Маҳалладаги ёлғиз, ногиронлиги бўлган шахслар, эҳтиёжманд оилалар ҳолидан хабар олингани, “Темир дафтар”, “Аёллар дафтари” ва “Ёшлар дафтари”даги фуқароларнинг муносабатлари ўз вақтида ўрганилгани айтилди. Китобхонликни тарғиб қилиш, уюшмаган ёшлар билан ишлаш, уларни тadbirkorликка жалб қилиш борасидаги тadbirlar эса аъзоларни кўпайтиришда муҳим роль ўйнади. 7 нафар йигит-қиз ишли бўлди. Шуларга кўра зикр этилган фаолият ижобий баҳоланди ва тузилманинг раиси ҳамда ўринбосари қайта сайланди. Ўз навбатида жорий йилнинг иш режаси ва устувор вазифалари белгилаб олинди.

О'зЛиДеР Тошкент шаҳар кенгаши
матбуот хизмати

Анъанага кўра **Бухоро вилояти**даги корхона, ташкилот ва маҳаллалардаги партия қўйи бўғинларида ҳам ушбу жараён қизғин руҳда ўтказилмоқда. **Ромитан тумани**даги “Инсон” ижтимоий хизматлар марказида ўтказилган ҳисобот сайлов йиғилиши бу борадаги ишларга ёрқин мисол бўла олади. Тadbirlar партия фаоллари, маҳаллий кенгаш депутатлари ҳамда жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

Бугунги кунда **О'зЛиДеР Жиззах вилоят кенгаши** таркибида 172,5 мингдан ортиқ фаолни бирлаштирган 1 305 та БПТ фаолият юритмоқда. Шу кунга қадар уларнинг 438 тасида ҳисобот сайлов йиғилишлари бўлиб ўтди. Танқидий-таҳлилий руҳда кечаётган ушбу тadbirlarda 37 та қўйи бўғин етакчисининг фаолияти қониқарсиз деб топилиб, улар ўрнига янги раислар сайланди. Эътиборли жиҳати шундаки, янги сай-

корликни йўлга қўйган БПТ фаолияти алоҳида ажралиб турибди, – дейди партия вилоят кенгаши ташкилий кадрлар ва БПТлар билан ишлаш бўлими бош мутахассиси Ойдиной Мухторова.

Дарҳақиқат, мазкур фикр жуда ўринли. Чунки худди шундай ҳолат “Жиззах аккумулятор заводи” акциядорлик жамиятида фаолият юритаётган таянч нуқтада бўлиб ўтган йиғилишида ҳам яққол намоён бўлди. Тажрибали партия фаоли Фанишер Тўраев етакчилик қилаётган мазкур қўйи бўғин ўз сафида 280 нафардан ортиқ партиядошимизни бирлаштирган.

Халқ депутатлари туман кенгаши депутати Шуҳрат Умаровнинг таъкидлашича, мазкур БПТ фаоллари жойларда аҳоли билан мулоқотлар ўтказиш, муаммоларни ўрганиш ва жўяли ечим топишда доимий равишда фаол иштирок этиб келмоқда.

Баҳс-мунозара ва фикр алмашувларга бой тарзда ўтган тadbirlarda дастлаб қўйи бўғин етакчисининг ҳисоботи тинланди. Иштирокчилар Ф. Тўраевнинг ҳисоботини қониқарли деб баҳолашди ва бир овоздан яна раисликка сайлашди.



Айни пайтда туманда 13 минг 160 нафардан ортиқ партия аъзоси бор. Улар орасида ушбу марказдаги бошланғич партия ташкилоти ҳам фаол ва ташаббускор жамоалардан бири ҳисобланади. БПТ сафида 12 нафар партия аъзоси бирлашган бўлиб, улар жойларда партия ғоя ва мақсадларини тарғиб қилиш, аҳоли муаммоларини ўрганиш ва ҳал қилишда фаол иштирок этмоқда.

Албатта, келгуси вазифалар янада салмоқли. Тadbirlarda сўзга чиққан партия туман кенгаши аппарат раҳбари Фирдавс Ражабов, фаоллардан Шахриёр Исмолов ҳамда бошқалар қўйи бўғин фаолиятини янада такомиллаштириш, аҳоли манфаатларини ҳимоя қилишдаги ўрнини мустаҳкамлаш, жойларда амалий ишларни қўйи бўғин юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Йиғилиш қарорига кўра, Фузули Саломов қўйи бўғин етакчилигига қайта сайланди.

Асхор ИСТАМОВ,
“XXI asr” мухбири



ланган раҳбарларнинг 13 нафарини хотин-қизлар ташкил этмоқда.
– Албатта, ушбу жараёнда, энг аввало, депутатлар билан яқин ҳам-

Баҳром МИРЗАҚОБИЛОВ,
“XXI asr” мухбири

ТАДБИРКОРЛАР ВА ИШБИЛАРМОНЛАР ҲАРАКАТИ – ЎЗБЕКИСТОН ЛИБЕРАЛ-ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНING 2025 ЙИЛ БЮДЖЕТИ ИЖРОСИ ВА 2026 ЙИЛ БЮДЖЕТИНИНГ АСОСИЙ КЎРСАТКИЧЛАРИ ТЎҒРИСИДА ҲИСОБОТ

Тadbirkorлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси 2003 йил 15 ноябрда ташкил этилган бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2003 йил 3 декабрда давлат рўйхатидан ўтказилди ва 2006 йил 18 январда 563-п-сон билан қайта рўйхатдан ўтказилган.

Партия ўз молиявий-хўжалик фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг “Сиёсий партиялар тўғрисида”ги, “Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисида”ги қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 16 мартдаги 86-сонли қарори билан тасдиқланган “Сиёсий партияларнинг устав фаолиятини давлат томонидан молиялаштириш тартиби тўғрисида”ги Низом ва бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширади.

Ташкилий-таркибий жиҳатдан партия 14 та юридик шахс мақомига эга бўлган Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳудудий Кенгашлари ҳамда юридик шахс мақомига эга бўлмаган 209 та туман ва шаҳар партия бўлимларидан иборат. Партиянинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар Кенгашлари Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси томонидан тасдиқланган харажатлар сметаси доирасида давлат бюджети маблағлари ҳисобидан марказлаштирилган ҳолда молиялаштирилади.

2025 йил давомида партиянинг ижроия аппаратларида 464 киши фаолият юритди, жумладан, Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси аппаратида 55 киши,

ҳудудий партия ташкилотлари ва туман (шаҳар) кенгашларида 409 киши.

2025 йил 1 январь ҳолатига кўра партиянинг барча бўғинида бюджет ҳисобидан молиялаштирилган штат бирлиги 488 тани ташкил этди, жумладан, Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси аппаратида 64, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашлари аппаратларида 215, шунингдек, 209 та туман (шаҳар) кенгашлари аппаратларидан иборатдир. Қўшимча штат бирликларини таъминлаш хўжалик ҳисобидан жойларда амалга оширилади.

Партия Уставига мувофиқ партияни молиялаштириш манбалари ҳудудий партия ташкилотлари ҳисоб рақамларига келиб тушган аъзолик бадаллари, тadbirkorлик фаолиятидан олинган даромадлар, юридик шахслар ва фуқароларнинг хайрия ёрдамлари, амалдаги қонунларга зид бўлмаган бошқа барча тушумлар ҳамда Давлат бюджетидан ажратилган маблағлардан иборат.

2025 йил 1 январь ҳолатига партиянинг ҳисоб рақамларидаги қолдиқ маблағлар 22 млрд. 353,1 млн. сўмни ташкил қилган. 2025 йил давомида партиянинг ҳисоб рақамларига жами 78 млрд. 307,9 млн. сўм келиб тушган, жумладан, устав фаолиятини молиялаштириш учун давлат бюджетидан 65 млрд. 989,7 млн. сўм, сайловларга тайёргарлик кўриш учун 7,2 млн. сўм, аъзолик бадалларидан 9 млрд. 878,7 млн. сўм, тadbirkorлик фаолиятидан тушган даромад 270,2 млн. сўм, ҳомийлик ва хайрия ёрдамларидан 291,1 млн. сўм ва бошқа тушумлар 1 млрд 871,0 млн. сўмни ташкил этган.

Партиянинг 2025 йилдаги Устав фаолиятини амалга оширишга қаратилган харажатлар 69 млрд. 578,7 млн сўмни ташкил этди, жумладан, иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар 48 млрд. 24,2 млн. сўм, хизмат сафари харажатлари 468,7 млн. сўм, дастурий вазифалар билан боғлиқ харажатлар 8 млрд. 148,3 млн. сўм, асосий воситаларни сотиб олиш харажатлари 263,6 млн. сўм, алоқа ва ахборот хизматлари учун 250 млн. сўм, сўғурта ва банк хизматлари учун 250 млн. сўм, алоқа ва ахборот хизматлари 554,3 млн. сўм, ёқилғи харажатлари 560,1 млн. сўм, ижара харажатлари 263,6 млн. сўм, сақлаб туриш ва жорий таъмирлаш 4 млрд. 37,4 млн. сўм, сайловларга тайёргарлик кўриш учун 7,2 млн. сўм ва бошқа харажатларга 3 млрд. 615,1 млн. сўм (жумладан: обуна учун 900 млн, кўриқлаш хизмати учун 850 млн, касабга уюшмаси учун 950 млн, суғурта ва банк хизматлари учун 250 млн. ва бошқа харажатлар учун 665 млн. сўм) сарфланди.

Партиянинг банк ҳисобварақларида 2026 йил 1 январь ҳолатига қолдиқ маблағлар 31 млрд. 82,2 млн. сўмни ташкил этди.

2026 йилда партиянинг жами бюджети 111 млрд. 945,9 млн. сўмни ташкил этилиши кутилмоқда, шундан 69 млрд. 598,4 млн. сўм давлат бюджетидан ажратилган, 10 млрд. 565,3 млн. сўм аъзолик бадаллари ҳисобидан, 400 млн. сўм хайрия ёрдамлари ҳисобидан, 300 млн. сўм тadbirkorлик фаолиятидан келиб тушадиган ва шунингдек, 31 млрд. 82,2 млн. сўм эса 2026 йил 1 январь ҳолати бўйича қолдиқ маблағларидир.

Партиянинг 2026 йилдаги бюджетининг асосий кўрсаткичлари қуйидагича тартибда молиялаштирилиши режалаштирилди. Партиянинг иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловларига 70,0 фоиз, хизмат сафари харажатларига 1,0 фоиз, дастурий вазифалар билан боғлиқ харажатларга 10,0 фоиз, алоқа ва ахборот хизматларига 3,0 фоиз, асосий восита ва товар моддий захираларни сотиб олишга 6,0 фоиз, коммунал хизматлар, ёқилғи, ижара, сақлаб туриш ва жорий таъмирлашга 6,0 фоиз ҳамда тadbirkorлик фаолиятини амалга оширишга доир ва бошқа харажатларга 4,0 фоиз ажратиш режалаштирилган.

2025 йилда партиянинг Марказий назорат-тафтиш комиссияси ва унинг жойлардаги бўлимлари томонидан Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси ва ҳудудий партия ташкилотларининг молиявий-хўжалик фаолияти тасдиқланган режа асосида йил давомида ҳудудий партия ташкилотлари томонидан партия Устави талаблари ҳамда партия интизоми тамойилларига риоя этилиши, аъзолик бадалларининг ўланиши ва келиб тушаётган маблағлардан мақсадли ва самарали ишлатилиши ва Низомда белгиланган бошқа вазифаларни амалга ошириш бўйича тафтиш назоратлари ўтказилди.

Шунингдек, Марказий назорат-тафтиш комиссияси томонидан Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг молиявий аудити якуни бўйича аниқланган камчиликларни бартараф этиш юзасидан чора-тadbirlar режаси ишлаб чиқилиб, ўрнатилган тартибда ижроси таъминланди.

ХАЛҚ КҮНГЛИГА ЙЎЛ ТОПИЛСА

амалий натижа бўлади

БУГУНГИ КУНДА МАМЛАКАТИМИЗДА ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ ТИЗИМИДА ОЧИКЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ, ХАЛҚ БИЛАН МУЛОҚОТНИ МУСТАҚАМЛАШ ВА АҲОЛИ МУАММОЛАРИНИ ЖОЙИДА ҲАЛ ЭТИШ УСТУВОР АҲАМИЯТ КАСБ ЭТМОҚДА. БУ БОРАДА ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ ВА МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШ ДЕПУТАТЛАРИНИНГ ЎЗ САЙЛОВ ОКРУТЛАРИДАГИ МАҲАЛЛАЛАРГА ЧИҚИШ, АҲОЛИ БИЛАН ОЧИҚ МУЛОҚОТЛАР ЎТКАЗИШ, ДАРДУ ТАШВИШЛАРИ ВА ТАКЛИФЛАРИНИ БЕВОСИТА ЎРГАНИШИ МУҲИМ АҲАМИЯТГА ЭГА. ЗЕРО, ХАЛҚ БИЛАН ЮЗМА-ЮЗ МУЛОҚОТ МУАММОЛАРНИ ТУҒРИДАН-ТУҒРИ ЭШТИТИШ, УЛАРНИНГ ЕЧИМИНИ ИЗОЛАШ ВА ТЕГИШЛИ ИДОРАЛАР ОЛДИГА АНИҚ ВАЗИФАЛАР ҚЎЙИШНИНГ ЭНГ САМАРАЛИ УСУЛИРИДАН ҲИСОБЛАНАДИ. БУНДАЙ УЧРАШУВЛАР ФУҚАРОЛАРИНИНГ ДАВЛАТ ИДОРАЛАРИГА БЎЛГАН ИШОНЧНИ МУСТАҚАМЛАЙДИ ВА ЖОЙЛАРДАГИ МАСАЛАЛАРНИ ТЕЗКОР ҲАЛ ЭТИШГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ.

КОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ



Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесига 52-сонли "Ақ-манғит" сайлов округидан сайланган депутат Алишер Жуманазаров томонидан сайловчилар мурожаатларини ўрганиш, уларни жойига чиқиб таҳлил қилиш ва амалий ечим топиш борасида тизимли ишлар олиб борилмоқда. Айниқса, ҳудудларда электр энергияси таъминоти билан боғлиқ муаммоларни ҳал этиш мақсадида юборилган депутатлик сўровномалари асосида аҳоли манфаати йўлида аниқ натижаларга эришилди.

Масалан, Нукус тумани "Саманбай" ОФЙ ҳудудида Каттағар овули Жеткеншек кўчасидаги трансформатор пунктдан 57 та якка хўжаликка барқарор электр энергияси етказиб бериш таъминланди. Шунингдек, ҳудуддаги 127-сонли трансформатор пункти 2026 йил дастурига киритилиб, электр таъминотини янада яхшилаш бўйича режали ишлар белгилаб олинди. Мазкур амалий ишлар аҳоли томонидан ижобий баҳоланиб, миннатдорлик билдирилди.

Бундан ташқари "Саманбай" ОФЙ таркибидаги Тарли овулини электр энергияси билан таъминловчи 73-сонли трансформатор пунктдан чиқувчи ҳаво тармоғида реконструкция ва модернизация ишлари амалга оширилди. Ушбу ишлар доирасида 73 донна темир-бетон устун ўрнатилиб, 1,7 километрлик замонавий SIP кабели тортилди. Натижада овул аҳолисининг электр таъминоти сезиларли даражада яхшиланди ва фуқаролар томонидан раҳматномалар йўлланди.



Нукус тумани "Дийхан арна" МФЙ ҳудудидаги 8-март овулида ҳам кенг кўламли ишлар амалга оширилди. 130-сонли трансформатор пункти ва ундан чиқувчи ҳаво тармоқларида реконструкция ва модернизация ишлари бажарилиб, 90 донна темир-бетон устун ўрнатилиб, узунлиги 2,7 километр бўлган SIP кабели тортилди ҳамда қуввати 250 кВА бўлган янги трансформатор пункти ишга туширилди. Бугунги кунда овул аҳолиси барқарор ва сифатли электр энергияси билан таъминланмоқда. Нукус шаҳри "Улғили макан" МФЙ ҳудуди Едиге кўчасидаги ҳаво тармоғида аниқланган техник камчиликлар бартараф этилди. Ҳозирда мазкур кўча аҳолиси узлуксиз ва барқарор электр таъминотига эга бўлди.

Бу каби хайрли ишлар депутат Алишер Жуманазаровнинг сайловчилар билан доимий мулоқотда бўлиб, уларнинг дарду ташвишларини эшитиш ва амалий ҲАЛ ЭТИШГА қаратилган фаолиятининг яққол намунасиридир.

Қонлиқул туманида ҳам аҳолига сифатли коммунал хизмат кўрсатиш, айниқса, ичимлик суви таъминотини яхшилаш борасида изчил ишлар амалга оширилмоқда. Туман марказидан қарий 45 километр узоқликда жойлашган "Сари Олтин" ОФЙ Беғжал аҳоли пунктида узоқ йиллар давомида одамларни ичимлик суви муаммоси қўйиб келатган эди. Мазкур масала юзасидан **О'zLiDePдан халқ депутатлари туман кенгашига сайланган депутат Д. Аметов** томонидан ўтган йилда "Қорақалпоқ сув таъминоти" АЖнинг Қонлиқул тумани бўлимига депутатлик сўрови киритилган эди. Шу кунларда Беғжал аҳолисининг қувончи чексиз. Ҳудуддаги 175 та хонадонда истиқомат қилаётган 1 200 нафардан ортиқ фуқарони ичимлик суви билан таъминлаш мақсадида сув тармоқларини тортиш ишларига старт берилди.

Шу муносабат билан ўтказилган тадбирда туман ҳокими Б. Султанов ҳамда мутасадди ташкилот вакиллари иштирок этиб, йиғилганларни янги ишнинг бошланиши билан табриқлади. Сўзга чиққанлар амалга оширилаётган ишларни қисқа муддатларда сифатли яқунлаш муҳимлигини алоҳида таъкидладилар.

БУХОРО



Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари Бухоро вилоятидаги сайловчилар ва маҳаллий тадбиркорлар билан учрашувлар ўтказишди. Мулоқотлар давомида аҳолига қонунчиликдаги янгиликлар, Президент фармонлари ва Вазирлар Маҳкамаси қарорлари мазмун-моҳияти юзасидан батафсил тушунчалар берилди.

Ҳудудлардаги махсус саноат зоналари фаолияти ҳам ўрганиб чиқилди. Парламент куйи палатаси депутати, **О'zLiDeP фракцияси аъзоси Нуриддин Жабборов** ўз ўрганишларини Вобкент туманидаги кичик саноат зоналари фаолияти билан танишишдан бошлади. Бугунги кунда туманда жами 13,5 гектар майдонда 3 та кичик саноат зонаси ҳамда 5 гектарда ёшлар саноат ва тадбиркорлик зонаси фаолият юритмоқда. Депутат саноат зоналарида тадбир-

корларга ажратилган ер майдонларидаги қурилиш жараёнлари, муҳандислик-коммуникация тармоқлари ва мавжуд инфратузилма ҳолатини кўздан кечирди. Тадбиркорлар билан ўтказилган мулоқотлар давомида уларнинг таклиф ва муаммолари тингланиб, тегишли тарзда муҳокама қилинди ва зарур чора-тадбирлар белгилаб олинди.

Кичик саноат зонасида фаолият олиб бораётган тадбиркорлик субъектлари ҳам депутатнинг диққат-эътиборида бўлди. "Zaripov Nur bizness" оилавий корхонаси учун 1,8 млрд сўм инвестиция киритиш шarti билан санитар гигиеник ювиш воситаларини ишлаб чиқариш лойиҳасига 0,2 гектар ер майдони ажратилган бўлиб, ҳозирда корхона 30 хилдан зиёд маҳсулот ишлаб чиқармоқда. 15 дан ортиқ иш ўрни яратилган. Халқ вакили ишлаб чиқариш билан танишиш жараёнида тайёр маҳсулотлар ҳажмини ошириш, сифатини яхшилаш, нафақат маҳаллий буюртмачилар учун, балки экспортбop маҳсулотлар тайёрлаш бўйича бир қатор амалий таклиф ва тавсияларини берди. Саноат зоналарида фаолият олиб бораётган ишбилармонлар учун яратилган имконият ва имтиёзлар ҳақида гапирди.

Вобкент туманида маҳалла фаоллари, "еттилик" масъуллари ва тадбиркорлар билан суҳбатлашилди. Кичик саноат зонасидаги "Niagara new product" МЧЖ 0,18 гектар ер майдонида акрил ванналар ишлаб чиқариш лойиҳасини амалга оширмоқда, бешта иш ўрни яратилган. Депутат мазкур субъект фаолияти билан танишиб, даромадни ошириш юзасидан таклифларини билдирди.



Халач маҳалласида якка тартибдаги тадбиркор Ҳилола Остонова ташкил қилган нодавлат мактабгача таълим ташкилотида 50 дан ортиқ кичикинтойларга 5 нафар малакали педагог таълим-тарбия бериб келмоқда. Ўрганиш чоғида ноиб бу ердаги ўқув ва уйин жараёнлари, моддий-техника базасини ҳам кўздан кечирди.

Асқор ИСТАМОВ,
"XXI asr" мухбири

НАМАНГАН



Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Маъруфжон Раҳмонов Норин туманидаги Ҳўжаобод маҳалласи аҳли билан учрашди. Фуқаролар мурожаати асосида кўтарилган йўл масаласини жойига чиқиб ўрганди, муаммони бартараф этиш юзасидан масъулларга топшириқ берди.

27-мактабда бўлган эса таълим муассасасидаги шарт-шароитлар, ўқув жараёни ва мавжуд камчиликлар билан танишди. Педагоглар билан мулоқот чоғида таълим сифатини ошириш, ўқувчилар учун янада қўлай муҳит яратиш масалаларини муҳокама қилди.

Уйчи тумани Еркатай маҳалласида "Сайхунобод тажрибаси" асосида томорқадан самарали фойдаланиш бўйича ибратли ишлар амалга оширилмоқда. Ҳудуддаги темирчиликка ихтисослашган "Қумтепа" ёшлар кичик саноат зонасида фаолият олиб бораётган тадбиркорлар билан учрашув жараёнида депутат уларнинг таклиф ва мурожаатларини эшитди. Гумбаз маҳалласида маҳалла фаоллари ва нуронийлар билан кечган суҳбат самимий ўтди. Депутат уларга қонунчиликдаги янгиликлар ҳамда ўз ваколатлари ҳақида тушунача берди. Сайловчиларнинг таклиф ва мурожаатларини тинглаб, ҳеч бири эътиборсиз қолмаслигини айтди.

ФАРҒОНА



Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Мавлудахон Ибраимова Учкўприк туманининг Чанг маҳалласи фуқаролари билан суҳбатлашди. Аҳоли Наврўз кўчасида ички йўлларнинг аҳолидан шикоят қилиб, асфальт ётқишида амалий ёрдам сўради. Депутат муаммони жойига чиқиб ўрганди, туман ҳокими билан маслаҳатлашди ва масалани ижобий ҳал этди, йўл таъмири туман ҳокимлиги режасига киритилди. Бу эса депутатлик назорати ва ижро ҳоқимияти ўртасидаги самарали ҳамкорлик орқали аҳоли мурожаатлари амалда ҳал этилаётганини яққол намунасиридир.

Бувайда тумани Халқ қабулхонасида фуқаролар қабули давомида аҳолини қўйнаётган ижтимоий, инфратузилмавий ва ҳуқуқий масалалар атрофида қўриб чиқилди. Ҳар бир мурожаат юзасидан масъул ташкилотларга аниқ топшириқлар берилди. Куннинг иккинчи ярмида Фарғона шаҳрида вилоят ҳокими Хайрулло Бозоров билан учрашув бўлиб ўтди. Унда ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, аҳоли мурожаатларида кўтарилган масалаларни тизимли ҳал этиш, инфратузилмани яхшилаш ва амалий натижадорликни таъминлаш бўйича таклифлар муҳокама қилинди.

Мазкур таширлар депутатлик фаолиятининг асосий устувори йўналиши – халқ билан мулоқот, жойлардаги реал ҳолатни ўрганиш ва муаммоларни ижро ҳоқимияти билан ҳамкорликда тезкор ҳал этишга қаратилганини яна бир бор намоён этди. Аҳоли манфаати устувор вазифа экан, амалий ишлар эса бунинг энг асосий мезонидир. Зеро, депутатлик, бу фақат мажлислар эмас, балки ҳудудларда амалга оширилаётган ислохотларнинг боришини жойига чиқиб ўрганиш, халқ билан мулоқот қилиш ва ҳар бир лойиҳанинг сифатли ижросини таъминлаш демакдир.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Раҳматулло Шуқуров Қўштепа туманининг Қайрағоч маҳалла "еттилиги" билан учрашди. Мулоқот давомида ҳудудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, фаровонликни ошириш ва тизимдаги устувор вазифалар муҳокама қилинди.

Шунингдек, ҳудудда янгидан барпо этилаётган замонавий болалар боғчаси ҳамда Нуронийлар боғи қурилиши билан танишди. Бу лойиҳалар маҳалла инфратузилмасини мустаҳкамлаш, ёшлар ва кексалар учун муносиб шарт-шароит яратишга хизмат қилишини таъкидлади.

Кейинги манзил Болтақул қишлоғидаги 42-мактаб бўлди. Депутат қурилиш жараёни, биналарнинг сифати ва жиҳозланиш ҳолатини яқиндан ўрганди. Таълим сифати, замонавий мактаб келажак пойдевори экани алоҳида қайд этилди. Тумандаги кичик саноат зонасида барпо этилаётган "Янги Ўзбекистон" массиви ҳам кўздан кечирилди. Янги тураржойлар ва ишлаб чиқариш қувват-

ларини яратиш орқали аҳоли бандлигини таъминлаш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш масалалари атрофида муҳокама қилинди.



Олтиариқ туманидаги 5-мактабда таъмирлаш ва қурилиш ишлари ҳам халқ вакилининг эътиборидан четда қолмади. Эски Араб қишлоғида ўтказилган учрашувда замонавий уйингоҳ ташкил этиш, ёшлар учун муносиб дам олиш ва спорт инфратузилмасини яратиш соғлом авлодни тарбиялашнинг муҳим шarti экани таъкидланди. Ушбу таширлар депутатлик фаолиятининг асосий тамойили – халқ билан мулоқот, қурилиш ва ислохотлар ижроси устидан жамоатчилик назорати ҳамда ҳудудларни комплекс ривожлантиришга қаратилган тизимли ёндашувнинг амалий ифодасидир.

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ



Халқ депутатлари Тошкент вилоят кенгаши депутати, О'zLiDeP Тошкент вилоят кенгаши раиси Тўлқинжон Файзиев Зангиота тумани Обод турмуш маҳалласи фуқаролари билан учрашди. Тадбирда халқ депутатлари Зангиота туман кенгаши депутати, Ўзбекистон Фанлар академияси Давлат ва ҳуқуқ институти директори Муроджон Турғунов, фаоллар, нуронийлар ва мутасадди ташкилотлар раҳбарлари иштирок этди.

Тўлқин Файзиев таъкидлаганидек, бугун республикаимизнинг барча ҳудудлари каби Зангиота тумани ҳам янги ва замонавий қиёфага эга бўлиб бормоқда. Амалга оширилаётган кенг кўламли бунёдкорлик ишлари, ислохотлар ва ижтимоий дастурлар, аввало, инсон манфаати ҳамда аҳоли фаровонлигини таъминлашга қаратилган.

– Депутатнинг асосий вазифаси сайловчилар манфаатини ҳимоя қилиш, уларни қўйнаётган муаммоларни тегишли идоралар олдига қўйиш ва тезкор ҳал этилишига кўмаклашишдан иборат, – дейди халқ вакили. – Шу боис аҳоли билан доимий мулоқотда бўлиш, фуқаролар мурожаатларини эшитиб, муаммоларни жойида ўрганиш ниҳоятда муҳим.

Очиқ мулоқот давомида аҳоли вакиллари коммунал хизматлар сифатини яхшилаш, ички йўлларни таъмирлаш, янги автобекатлар қуриш, бандликни таъминлаш, ижтимоий ёрдам ҳамда тадбиркорликни ривожлантириш каби қатор масалалар юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди. Айниқса, фаоллар, мутасадди ташкилотлар ва тегишли идоралар вакиллари ҳам иштирок этгани кўтарилган масалаларни жойида муҳокама қилиш ва амалий ечимлар ишлаб чиқиш имконини берди. Натижада айрим муаммолар бўйича тезкор чоралар белгилаб олинди.



Депутат Асил маҳалласи "еттилик" вакиллари билан ўтган мулоқотда мурожаатларни ўз вақтида ва сифатли қўриб чиқиш механизмларини такомиллаштириш, ижро интизомини мустаҳкамлаш ҳамда давлат дастурлари ижроси устидан жамоатчилик назоратини кучайтириш масалаларини ўртага ташлади. Ҳар бир мурожаат юзасидан манзилли ишлаш, муаммоларнинг туб моҳиятини аниқлаш ва ҳал этиш зарурлиги таъкидланди. Шунингдек, "еттилик" аъзолари маҳалла раиси атрофида жиғслашган ҳолда ўз хизмат вазифаларини сидқидилдан адо этиши бу борада муҳим омили экани қайд этилди.

Учрашув якунида маҳалла фаоллари ҳудудда электр таъминотидаги узил-лишларни бартараф этиш мақсадида депутат назорати остида янги қўшимча қувват – трансформатор ўрнатилганини мамнуният билан эътироф этишди. Тўлқинжон Файзиевнинг сайловчилар билан доимий мулоқотда бўлиб, уларнинг турмуш шароитини яхшилаш йўлида фаол ташаббус кўрсатаётганини алоҳида таъкидлашди.

Шубҳасиз, маҳаллаларда ташкил этилаётган бундай амалий учрашувлар аҳоли манфаатларини таъминлаш, фуқаролар турмуш фаровонлигини ошириш ҳамда давлат сиёсатида инсон қадрини улуғлаш тамойили амалда ўз ифодасини топаётганининг ёрқин намунасиридир.

Зухро МИРЗОҲАМДАМОВА,
О'zLiDeP Тошкент вилоят кенгаши бўлим мудири

Халқ вакилининг мамлакатимиз бўйлаб сайловчилар билан ўтказиб келаётган очиқ мулоқотлари, учрашувлари хусусида мунтазам сўз юритамиз.

Нурхон ЭЛМИРЗАЕВА,
"XXI asr" мухбири

«МАҲАЛЛАНИНГ ИШБИЛАРМОН АЁЛИ»

ИНТИЛГАНГА ТОЛЕ ЁР

ТАДБИРКОРЛАР ВА ИШБИЛАРМОНЛАР ҲАРАКАТИ – ЎЗБЕКИСТОН ЛИБЕРАЛ-ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ ТАШАББУСИ БИЛАН БОШЛАНГАН «МАҲАЛЛАНИНГ ИШБИЛАРМОН АЁЛИ» ТАНЛОВИ РЕСПУБЛИКАМИЗНИНГ БАРЧА ХУДУДЛАРИДА ҚИЗГИН ДАВОМ ЭТМОҚДА. САРАЛАШ БОСҚИЧИДА ҲАТТО ЭНГ ЧЕККА МАҲАЛЛА ВА ОВУЛЛАРДА БОШҚАЛАРГА ҒАЙРАТ ВА ШИЖОАТИ БИЛАН ЎРНАК БЎЛАЁТГАН, ДАРОМАД ТОПИБ, ОИЛАСИ ВА ЖАМИЯТ ИҚТИСОДИГА ҲИССА ҚўШАЁТГАН МУНИС ОПА-СИНГИЛЛАР КАШФ ЭТИЛИБ, ТАНЛОВНИНГ КЕЙИНГИ БОСҚИЧИГА ЙўЛЛАНМА ОЛИШМОҚДА.



ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ

Қўнғирот туманида ташкил этилган тадбирга O'zLiDeP туман кенгаши аппарат раҳбари Г. Иембергенова бош-қош бўлди. Унда маҳаллаларнинг фаол тадбиркор хотин-қизлари иштирок этиб, ўз фаолияти ва амалга ошираётган ишлари ҳақида батафсил маълумот берди.

Хусусан, таллиқлик миллий либослар бўйича етук чевар Насиба Абдуллаева, мингжарганлик қуроқ кўрпачалар устаси Гулзар Қозоқбоева, олтинкўллик заргар Шахло Реймбоева, қўнғиротлик ўқув маркази раҳбари Гулжаҳон Исметуллаева ҳамда олмазорлик гулчи Наргиза Алламбергенова ўз тажрибалари билан ўртоқлашди.

Айниқса, Гулзар Қозоқбоевнинг фаолияти ва «Аёллар дафтари»да рўйхатда турган ишсиз хотин-қизлар бандлигини таъминлашдаги амалий ишлари алоҳида эътироф этилди. Ишбилармон ўз ташаббуси билан маҳалласидаги 5 нафар ишсиз хотин-қизга қуроқчиликни ўргатиб, бандлигини ҳам таъминлади. Ҳозир улар мустақил иш бошлаб, даромад топишяпти.

Зеро, «Маҳалланинг ишбилармон аёли» лойиҳасидан кўзланган асосий мақсад ҳам аслида шу – ҳудудларда хотин-қизлар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш, бандлигини таъминлаш ҳамда иқтисодий фаоллигини оширишдир.

O'zLiDeP Қорақалпоғистон Республикаси матбуот хизмати



ЖИЗЗАХ

O'zLiDeP Жиззах вилоят ва Дўстлик туман кенгашлари «Аёллар қаноти» фаоллари Наврўз маҳалласидаги тадбиркор аёллар фаолияти билан яқиндан танишишди.

Якка тартибдаги тадбиркор, моҳир чевар, «Хунарманд» уюшмаси аъзоси Зухра Мухаммадиева ўтган йили фаолиятини бошлаган бўлса-да, ҳозирги кунда буюртмалари анчагина. Иккинчи гуруҳ ногирони бўлган тиниб-тинчимас бу жон-

ХОРАЗМ

O'zLiDeP Хоразм туман кенгаши «Аёллар қаноти» фаоллари Жаннатмакон, Гулғунча, Ватанпарвар маҳаллаларида фаолият юритаётган тадбиркор аёлларни саралаб олишди. Жараёнда туман кенгаши депутати Нодира Султанова ҳамда партиядан Хоразм вилоят кенгаши масъуллари иштирок этиб, ишбилармонлар билан мулоқотда бўлишди ҳамда уларнинг фаолияти, эришган ютуқлари ва келгусидаги режалари билан яқиндан танишдилар.



мини янада кенгайтириш ва экспорт кўрсаткичини 500 минг долларга етказиш режалаштирилмоқда.

Гулғунча маҳалласида фаолият юритаётган Моҳирабону Ишонваннинг фаолияти ҳам таҳсинга лойиқ. «Banoffe cake» бренди остида ширинлик ва ярим тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқарилаётган корхонада 6 нафар хотин-қиз иш билан банд. 50 дан ортиқ турдаги егуликлар маҳаллий бозорга пеш-ма-пеш етказиб берилмоқда. Моҳирабону меҳнат-кашлиги, илганувчанлиги ва янги ғоялари орқали бизнесини босқичма-босқич кенгайтириб бормоқда.

Жаннатмакон маҳалласида истиқомат қилувчи Дилафруз Бекжанова қисқа вақт ичида ўз меҳнати, ташаббускорлиги ва илганувчанлиги орқали оддий тадбиркорликдан йирик ишлаб чиқариш ва экспортчига айланди. Унинг раҳбарлигидаги «Маржона текстиль» МЧЖда Хитойдан келтирилган замонавий технологиялар асосида пахта хомашёсидан болалар учун сифатли кийим-кечаклар ишлаб чиқарилмоқда. 70 нафар хотин-қиз доимий иш билан таъминланган, уларнинг 20 фоизи ногиронлиги бўлган хотин-қизлардир. Бу эса тадбиркорнинг нафақат бизнесини ривожлантириш, балки ижтимоий масъулиятни ҳам ҳис қилган ҳолда фаолият юритаётганини кўрсатади. Сифат ва меҳнат самараси натижасида «Маржона текстиль» МЧЖ ўтган йилнинг ўзида 150 минг долларлик маҳсулотини Россияга экспорт қилди. Бу эса маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг ташқи бозорда ҳам рақобатбардош эканини яна бир бор намоён этди. Жорий йилда эса ишлаб чиқариш ҳаж-

Ватанпарвар маҳалласи аҳли Шаҳзода Олимовани ташаббускор тадбиркор аёллардан, деб билади. У асос солган «Shahzoda cooking» оилавий корхонасида ҳозирда 30 хилдан ортиқ ширинликлар тайёрланиб, аҳоли дастурхонига тортиқ қилинмоқда. Тадбиркор маҳсулот тури ва иш ўрнини кенгайтириш устида тинмай илганмоқда.

Учрашув давомида масъуллар томонидан тадбиркор аёлларга фаолиятни ривожлантириш борасида қонунчиликдаги имтиёз ва имкониятлар, янги иш ўринлари яратиш ва ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш борасида амалий тавсиялар берилди. Танлов натижасига кўра, учала тадбиркор ҳам маҳалланинг энг фаол аёллари сифатида туман босқичига йўлланма олди.

O'zLiDeP Хоразм вилоят кенгаши матбуот хизмати

куяр аёлнинг саъй-ҳаракати билан 8 нафар хотин-қиз доимий ишли бўлди. 20 га яқин опа-сингилларига устоз-шогирдлик асосида хунарини ўргатмоқда.

– Юртимизда хотин-қизларнинг тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва уларнинг иқтисодий фаоллигини оширишга эътибор ҳар қачонгидан кучайган – дейди Зухра Мухаммадиева. – Етакчи партияднинг ушбу танлови ҳам давлатимизнинг аниқ ислохотларига ҳамоҳанг. Лойиҳа маҳаллалардаги фаол, ташаббускор ва меҳнат-

каш хотин-қизларни аниқлаш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ҳамда илғор тажрибаларини кенг оммалаштиришга хизмат қилмоқда.

Зухра Мухаммадиевнинг меҳнатлари зое кетмади, у танлов натижаси ва ҳакамлар ҳулосасига биноан маҳалланинг энг ишбилармон аёли, деб топилди. У энди кўрик-танловнинг туман босқичида иштирок этиш учун ҳаракатда.

O'zLiDeP Жиззах вилоят кенгаши матбуот хизмати

ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК

ФЕРМЕРЛАР ХОРИЖДАН НИМАЛАРНИ ЎРГАНИБ КЕЛДИ?

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 10 декабрь куни Қишлоқ хўжалиги ходимлари куни муносабати билан ўтказилган учрашувда берган топшириқларига мувофиқ, 2026 йил январь–февраль ойларида мамлакатимиз фермер хўжаликлари раҳбарларини қишлоқ хўжалиги ривожланган давлатларга хизмат сафарига юбориш орқали пахтачилик ва галлачилик соҳаларида илғор тажрибани ўрганиш ишлари изчил ва тизимли равишда ташкил этилди.

Мазкур ташаббус юртимиз қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш, юқори ҳосилдорликка эришиш, сув ва ер ресурсларидан оқилона фойдаланиш ҳамда экспортбўл маҳсулотлар етиштириш ҳажмини янада оширишга қаратилган кенг қўламли ислохотларнинг мантиқий давоми сифатида намоён бўлди.

Дастур доирасида 200 нафардан ортиқ фермер хўжаликлари раҳбарлари хорижий давлатларга хизмат сафарига юборилди. Ташрифлар асосан Хитой Халқ Республикаси ва Туркия Республикасига ташкил этилди.

Хитойга амалга оширилган сафарлар Чангша, Хефэй, Пекин ва Урумчи шаҳарларида ўтказилди. Мазкур сафарлар давомида фермерларимиз қишлоқ хўжалигида рақамли технологияларни жорий этиш, сунъий интеллект ёрдамида ҳосилдорликни башорат қилиш, замонавий ирригация тизимлари, юқори унумдор уруғчилик ва илғор агротехнологиялар билан яқиндан танишиш имкониятига эга бўлишди.

Айниқса, амалий машғулотлар фермерларда катта қизиқиш уйғотди. Ер майдонидан максимал самара олиш, ер тежовчи технологияларни жорий қилиш, ишлаб чиқаришни кластер усулида ташкил этиш каби йўналишлар хитойлик мутахассислар тажрибасида яққол намоён бўлди.

Томчилатиб суғориш тизимлари, қишлоқ хўжалиги техникасининг юқори даражада механизациялашгани, замонавий лаборатория таҳлиллари асосида агротехник тадбирларни аниқ режалаштириш каби жиҳатлар фермерларимиз учун ҳақиқий тажриба мактаби бўлди. Бу каби ёндашувлар ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланишда катта аҳамият касб этади.

Туркия сафарлари эса Измир ва Адана шаҳарларида амалга оширилди. Бу ерда фермерлар илғор пахтачилик ва галлачилик хўжаликлари фаолияти, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш корхоналари ҳамда экспорт инфратузилмаси билан яқиндан танишиш имкониятига эга бўлди.

Туркия тажрибасида фермер – қайта ишловчи – экспортёр занжирининг мустахкам ва узвий боғлиқлиги алоҳида эътиборга лойиқ. Маҳсулот сифатини халқаро стандартлар асосида баҳолаш, қўшимча қиймат яратиш орқали даромадни ошириш, маҳсулотни ташқи бозорларга чиқариш механизмлари фермерларимиз учун муҳим сабоқ бўлди.

Бу тажриба шуни кўрсатдики, фермер хўжалиги фақат хомашё етиштирувчи эмас, балки самарали агробизнес субъекти сифатида фаолият юритганда юқори иқтисодий натижаларга эришиш мумкин.

Албатта, хорижий хизмат сафарлари шунчаки танишув ёки кузатув билан чекланиб қолмаслиги керак. Уларнинг амалий самараси бўлиши муҳим. Шу мақсадда сафардан қайтган ҳар бир фермер томонидан ўз ҳудудида семинар ва тренинглар ташкил этиш, ўрганилган тажрибани маҳаллий шароитга мослаштириб жорий этиш, янги агротехнологияларни амалда синовдан ўтказиш вазифаси долзарб аҳамият касб этмоқда.

Бугунги кунда, айниқса, сув танқислиги шароитида ресурс тежамкор технологияларни кенг жорий этиш, юқори репродукцияли уруғлардан фойдаланиш, механизация даражасини ошириш ҳамда рақамли мониторинг тизимлари-



ни татбиқ этиш замон талаби бўлиб қолмоқда.

Хитой ва Туркия тажрибаси шуни яққол кўрсатмоқдаки, замонавий агротехнологияларни пухта ўзлаштирган фермер ердан унумли фойдаланади, юқори ҳосилдорликка эришади, ишлаб чиқариш таннархини камайтиради ва рақобатбардош маҳсулот етиштиришга муваффақ бўлади.

Қишлоқ хўжалигини ривожланган давлатлар тажрибаси билан уйғунлаштириш – барқарор тараққиётнинг муҳим омилларидан биридир. Бу хизмат сафарлари мамлакатимиз фермерлари учун янги билим, янги тажриба ва янги имкониятлар эшигини очди.

Энг муҳими, бу ташаббус фермерларнинг дунёқарашини кенгайтиради, замонавий агробизнес тамойилларини чуқур англашга замин яратди.

Эндиликдаги асосий вазифа – ўрганилган илғор тажрибани амалиётга татбиқ этиш, ҳар бир гектар ердан юқори самара олиш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ҳажмини кўпайтириш ва мамлакатимиз озиқ-овқат хавфсизлигини янада мустахкамлашдан иборат.

Зеро, илғор тажриба – тараққиёт қалити. Ундан оқилона ва самарали фойдаланиш эса юксак натижаларга етаклайди.

Иномжон ЖАЙНАРОВ,
Ўзбекистон фермерлари кенгаши ҳузуридаги
Фермер хўжаликлари қўллаб-қувватлаш жамғармаси бош мутахассиси



ТАҲЛИЛ

ЯНГИ ГЕОСИЁСИЙ ЗИЛЗИЛА:

ЭРОН, АҚШ-ИСРОИЛ ВА МИНТАҚА КЕЛАЖАГИ

28 февраль тонгида Исроил ва АҚШ Эронга қарши "Арслон наъраси" ва "Элик газаб" номли кенг қўламли ҳарбий амалиётларни бошлади. Хужумларнинг илк босқичида Эроннинг 86 ёшли Олий раҳнамоси, 36 йилдан ортқ ҳокимиятда бўлган Али Хоманай ҳалок бўлди. Зарбалар натижасида нафақат давлат раҳбари, балки унинг оила аъзолари – қизи, набираси ва яқин қариндошлари ҳам қурбон бўлди. Шу кунгача АҚШ ва Исроил авиазарбалари оқибатида Эронда жами бир ярим мингдан зиёд инсон ҳаётдан қўз юрган (исроилликлар 30 га яқин ва америкаликлар – 8 нафар).

бериши мумкинлигидан огоҳлантирди. Бироқ Оқ уй раҳбарининг Эрон армияси ва қуроли кучлари қудратини очик тан олиши вазият нақадар жиддий эканидан далолат беради. Президент Трамп маслаҳатчилари эса уни низони тезроқ тўхтатишга ундамоқда. Улар узоқ давом этадиган уруш консерватив сайловчилар кайфиятига салбий таъсир қилиши ва сиёсий инқирозни келтириб чиқаришидан хавфсирмоқдалар.

Эрон ичида жиддий жипслашиш кузатиляпти. Мужтабо Хоманайнинг янги Олий раҳнамо этиб сайланиши ва қасамд маросимларининг оммавий тарзда ўтказилиши, Эрон шаҳарлари кўчаларидаги қўллаб-қувватлаш акциялари расмий Техроннинг ўз сиёсий йўналишида собит қолишини намойиш этди.

ди. Жаҳон савдоси ва энергетикасидаги эҳтимолий ўзгаришлар туфайли Хитойнинг глобал етакчиликлари даъвогарлик позициялари сўроқ остида қолмоқда. Бунинг фониди таъсир доиралари тақсимланишининг янада мураккаброқ тизими пайдо бўлиш эҳтимоли ортмоқда, бунда бошқа йирик давлатлар, жумладан, Ҳиндистон ва Россиянинг роли кучайиши мумкин.

кескин жавоб қайтаришга ундаб, башорат қилиб бўлмайдиган эскалация сари итармоқда. Тарихга назар солсак, 1980–1988 йиллардаги Эрон-Ироқ уруши "Кўрфазнинг биринчи ҳалокати" эди. Саддам Хусайн режимини даярли барча йирик араб давлатлари у ёки бу кўринишда қўллаб-қувватлаганди.

Хужумлар ортида қандай мақсад бор?

АҚШ ва Исроил Эронга қарши агрессивия "дунёни ядровий хавфдан ҳимоя қилиш" баҳонаси билан оқлашга уринмоқда. Давлоларга кўра, Эрон махфий равишда 11 та атом бомбасига етадиган уран тўплаган. Аммо бир ҳафталик шиддатли жанглар шуни кўрсатдики, масала фақат ядровий таҳдидда эмас экан. Эрон Иккинчи жаҳон урушидан кейин Қўшма Штатлар бевосита тўқнаш келган давлатлар ичида энг салоҳиятли бўлиб чиқди. Бу ерда гап нафақат ҳарбий қудрат, балки мамлакатнинг стратегик қўлами ва тарихий анъаналари ҳақида бормоқда.

Глобал мувозанатнинг ўзгариши

АҚШ ва Эрон ўртасидаги низо глобал геосиёсий харитани ўзгартириб юбормоқда. Бу, айниқса, Форс кўрфазининг монархиялари учун жиддий хавф тугдирмоқда. Уларнинг иқтисодий модели ва хавфсизлиги АҚШ билан стратегик шерикликка асосланган эди. Лекин энергетика объектларига зарбалар берилиши ва транспорт йўлакларининг беқарорлиги бу давлатларни энг катта зарар кўрувчиларга айлантирмоқда.

Америка разведкаси Москва ва Техрон ўртасидаги разведка маълумотлари алмашинуви фаоллашганини қайд этмоқда. Россия томонидан тақдим қилинган сунъий йўлдош таъсирлари Эронга АҚШ ҳарбий кемалари ва бўлинкаларини аниқ кузатиш имконини бермоқда.

"Кўрфаз уруши" ёки "Саҳродаги бўрон" 1990 йил 2 августда Ироқнинг Кувайтни босиб олиши билан бошланган. Хусайннинг нефть манфаатлари ва қарзлари туфайли бошланган низо 37 давлатдан иборат АҚШ бошчилигидаги коалициянинг ҳарбий аралашувига олиб келди.

Эрон бунга жавобан ракета ва дронлар ёрдамида кенг қамровли қарши хужумга ўтди. Натижада Қатар, Кувайт, БАА, Бахрайин ва Иорданиядаги Америка ҳарбий базалари зарбаларга учради. Расмий Техрон ушбу низони ўзи бошлаганини, балки тажовузга нисбатан мажбурий мудофаа чораларини кураётганини таъкидламоқда.

Тахлилчилар фикрича, Оқ уй Эроннинг сиёсий барқарорлигини нотўғри баҳолаган. Трамп учун Исроил лоббисининг қўллови муҳим бўлса, шахсий планда унинг кўеви – Исроил манфаатларига яқин бўлган Жаред Кушнер белгилловчи роль ўйнади. Исроилнинг мақсади эса анча радикал: улар Эроннинг нафақат сиёсий, балки ҳудудий жиҳатдан ҳам парчаланишидан манфаатдор.

Шу сабабли Форс кўрфазини араб давлатлари ҳамкорлик кенгаши минтақадаги Америка ҳарбий базаларига муносабатини қайта кўриб чиқиши зарур. Ушбу базалар барқарорлик ва хавфсизлик кафолати эмас, балки тўғридан-тўғри хавф манбаи сифатида қабул қилинмоқда.

Хитой эса эҳтиёткор бўлса-да, Техронга билвосита молиявий ва техник ёрдам кўрсатмоқда. Пекин учун урушнинг қўзилиши энергетика хавфсизлигига таҳдид бўлгани билан кенгрок маънода олинса, Москва ва Пекиннинг ҳаракатлари АҚШни жиловлаш стратегиясининг бир қисмидир.

Кувайт инқирози ва 2003 йилдаги Ироқнинг парчаланиши иккинчи ҳалокат бўлди. Бу эса минтақада Америка ҳарбий базалари даврининг бошланишига йўл очди.

Ҳафта бошида АҚШ президенти Дональд Трамп Эрондаги ҳарбий кампаниянинг мақсадларига эришилганини ва эндиликда операцияни яқунлаш масаласини Исроил Бош вазири Биньямин Нетаньяху билан келишилган ҳолда ҳал этишни билдирди. Трамп Исроилнинг хавфсизлиги таъминланганини иддао қилар экан, агар Техрон Ҳўрмуз бўғози орқали нефть транзитига тўқинлик қилса, Эронга хозиргидан бир неча ўн баробар кучлироқ зарба

Бироқ, қутилган тезкор инқироз ўрнига

Умуман олганда, давомли беқарорлик Европанинг глобалистик тузилмалари ва Форс кўрфазининг монархияларининг мавқеини заифлаштириши, шу билан бирга, дунё тартиботининг янги, янада рақобатбардор конфигурацияси шаклланишини тезлаштириши мумкин.

Умуман олганда, давомли беқарорлик Европанинг глобалистик тузилмалари ва Форс кўрфазининг монархияларининг мавқеини заифлаштириши, шу билан бирга, дунё тартиботининг янги, янада рақобатбардор конфигурацияси шаклланишини тезлаштириши мумкин.

ТАРИХИЙ САБОҚ ВА ЯНГИ ТАНЛОВ

Эрон билан бемаъни уруш Трампни Нетаньяху томонидан қўйилган мураккаб тўзқоққа туширди. Эроннинг хатти-ҳаракатлари Кўрфаз давлатларига нисбатан ўта ташри ва провокацион бўлса-да, араб дунёсини худди шундай

Хулоса ўрнида: Трамп ва Нетаньяху маъмуриятининг стратегияси минтақа халқларининг фаровонлигига эмас, балки ўз таъсир доираларини кенгайтиришга қаратилган. Хорижий ҳарбий базалар Кўрфаз мамлакатлари учун қалқон эмас, балки уларни нишонга айлантирувчи омил бўлиб хизмат қилмоқда. Бугун Кўрфаз давлатлари тарихий чорраҳада турибди: ё бегона лойиҳаларнинг қурбони бўлиб, учинчи ҳалокатга юз тутиш ёки мустақил ва жамовий мудофаа тизимини яратиб, ўз тақдирини ўз қўлига олиш...

Аброр ХОН, сиёсий шарҳловчи

САРҲИСОБ

ШУКУҲ

ЕРГА МЕҲР БЕРСАНГИЗ...

ТИНЧЛИКДАН

УЛУҒРОҚ НЕЪМАТ ЙЎҚ БУ ДУНЁДА



Лола ХЎЖАНИЁЗОВА, Беруний тумани "Халқ минбари" газетаси бош муҳаррири, Қорақалпоғистонда хизмат кўрсатган журналист, туман кенгаши депутати

Жаҳонда геосиёсий қарама-қаршиликлар, минтақавий низолар ва турли хавф-хатарлар тобора кучайиб бораётган бугунги мураккаб шароитда тинчликни асраш, ўзаро ишонч ва ҳамкорликни мустаҳкамлаш ҳар қачонгидан ҳам долзарб вазифага айланди. Бугун дунё ҳамжамияти олдида турган энг муҳим масалалардан бири – барқарорликни таъминлаш, зиддиятларни мулоқот орқали ҳал этиш ва умуминсоний қадриятларни асраб-авайлашдир.

Ана шундай масъулиятли паллада Президент Шавкат Мирзиёевнинг Тинчлик кенгаши биринчи саммитида иштирок этиб, нуфузли минбардан нутқ сўзлагани мамлакатимиз ташқи сиёсатининг изчил, очик ва конструктив руҳда олиб борилаётганини яна бир бор яққол намойиш этди. Бу иштирок нафақат дипломатик аҳамиятга эга воқеа, балки Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги фаол ва ташаббускор позициясининг амалий ифодасидир.

кўшничлик ва ўзаро ишонч муҳитини мустаҳкамлаш Ўзбекистон ташқи сиёсатининг устувор йўналишларидан бири экани нутқда алоҳида қайд этилди.

Сўнгги йилларда кўшни давлатлар билан очик ва самимий мулоқот йўлга қўйилиб, ўзаро ҳамкорлик янги босқичга кўтарилгани барчага маълум. Бу сиёсат нафақат минтақавий барқарорликни таъминлаш, балки халқлар фаровонлиги, савдо-иқтисодий алоқалар ривожини ва умумий тараққиёт учун мустаҳкам замин яратаетир.

Президент ўз нутқида глобал тинчлик ва барқарорликни таъминлашда мулоқот, ўзаро ҳурмат, ишонч ва халқаро ҳуқуқ нормаларига қатъий амал қилиш ҳал қилувчи аҳамият касб этишини алоҳида таъкидлади. Ҳар қандай зиддият ва келишмовчиликларни куч ишлатиш йўли билан эмас, балки музокара, сабр-тоқат ва ўзаро манфаатли ҳамкорлик асосида ҳал этиш зарурлигини қатъий позиция сифатида илгари сурди. Бу ёндашув бугунги нотинч дунёда айниқса долзарбдир. Зотан, Марказий Осиё минтақасида тинчлик, яхши

Илгари сурилган ташаббуслар – тинчликни мустаҳкамлаш, ёшларни экстремистик ва радикал ғоялар таъсиридан асраш, таълим ва маърифат орқали барқарор жамият барпо этиш каби муҳим ғоялар бутун дунё ҳамжамияти учун катта аҳамиятга эга. Зеро, маърифатли жамиятда бағрикенглик устувор бўлади, тинчлик кадрланади, инсон шавъи ва қадри эъзозланади. Шу маънода Ўзбекистоннинг бу борадаги таклиф ва ташаббуслари халқаро майдонда

кенг қўллаб-қувватланаётгани бежиз эмас.

Депутат сифатида таъкидлашим жоизки, изчил амалга оширилаётган тинчликпарвар ва очик ташқи сиёсат ички тараққиётимизга ҳам бевосита ижобий таъсир кўрсатмоқда. Тинч ва барқарор муҳит мавжуд жойда ислохотлар самара беради, инвестициялар жалб этилади, тадбиркорлик ривожланади, энг муҳими – инсон қадри юксалади, халқ фаровонлиги таъминланади. Бугун мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар айнан шу барқарор муҳит самарасидир.

Дарҳақиқат, Тинчлик кенгашининг биринчи саммитида билдирилган фикр ва ташаббуслар Ўзбекистоннинг тотувлик, тараққиёт ва ўзаро манфаатли ҳамкорлик йўлидан қатъият билан бораётганининг яна бир ёрқин далили бўлди. Ўртимиз бундан буён ҳам халқаро ҳамжамият билан елкадош бўлиб, глобал барқарорлик ва фаровонлик йўлида фаол ҳамкорлик қилишда давом этади. Тинчликни асраш ва мустаҳкамлаш эса барчамизнинг умумий бурчимиз бўлиб қолаверади.

Қиш охирида, баҳор фасли бошланаётган шу кунларда бозор расталарида кўзни қувонтирадиган, серсув мева-сабзавотларни бемалол топиш мумкин. Бу, албатта, ер билан тиллашиб, эл ризкин ҳалол меҳнати билан ундирган миришкор деҳқон ва фермерларнинг сая-ҳаракатлари самарасидир. Зеро, ерга илк бор эрта баҳорда ишлов бериш, уруғ қадаш билан бошланган меҳнат фасллар алмашса-да, тўхтаб қолмайди. Қишда ҳам режа, таҳлил ва янги мавсумга тайёргарлик ишлари давом этади.



Бугунги кунда Самарқанд вилоятида фермерлик ҳаракати кенг кулоч ёйган. Вилоятда жами 11 минг 313 та фермер хўжалиги фаолият юритмоқда. Шундан 1 минг 643 таси пахта-ғаллачилик, 409 таси сабзавотчилик ва полизчилик, 2 минг 937 таси ғалла-сабзавотчилик, 3 минг 533 таси боғдорчилик ва узумчилик, 816 таси чорвачилик ҳамда 1 минг 975 таси бошқа йўналишларда самарали меҳнат қилмоқда.

Фермер хўжаликларига яратилган имконият ва имтиёзлар ўз натижасини бермоқда. 2025 йил якунларига кўра, вилоятда 2 миллион 189 минг 383 тонна қишлоқ хўжалиги маҳсулоти етиштирилди. Жумладан, 94 минг 230 гектар майдондан 825 минг тонна ғалла, 60 минг гектардан 265 минг тонна пахта, 7 минг 200 тонна пилла, 1 миллион 99 минг 383 тонна сабзавот маҳсулотлари олинди. Бу кўрсаткичлар нафақат вилоят, балки мамлакат озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этди.

Маълумки, сув – экинларнинг жон томири. Шу боис бу неъматдан оқилона ва тежамкорлик билан фойдаланиш бугунги куннинг долзарб вазифаларидан бирига айланган. Худуддаги фермер хўжаликлари далаларида сув тежамкорлигини таъминлаш мақсадида 237 километр ҳажмдаги ички суғориш ариқлари бетонлаштирилди. Бу эса сув исрофининг олдини олиш, ҳосилдорлигини оширишга хизмат қилмоқда.

Фермерлар ҳар бир қарич ердан унумли фойдаланишга жиддий бел боғлашган. Аллақачон дала четларида мевали ва манзарали дарахт кўчатлари экилмоқда. Экологик барқарорликни таъминлаш ва энергия тежамкор технологияларни жорий этиш мақсадида қуёш панеллари ўрнатилляпти. Қатор хўжаликларида совутички омборхоналар, мини-куриртиш ускуналари ҳам ишга туширилмоқда. Масалан, Каттакўрғон туманидаги "Усто Ғулум Ҳайдарович" ва "Назокат олтин даласи" фермер хўжаликлари 50 кВт/

соатлик, Нарпай туманидаги "Саратон" хўжалиги 100 кВт/соатлик, "Оқ олтин" хўжалиги эса 60 кВт/соатлик қуёш панелларини ўрнатиб, ишлаб чиқариш харажатларини камайитиришга эришмоқда.

Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 29 ноябрдаги қарори асосида кўп тармоқли фермер хўжаликлари реестри шакллантирилиб, вилоятда 11 мингдан ортқ интенсив боғ ва тоқорлар, иссиқхоналар, чорвачилик, қўйчилик, эчкичилик, йилқиччилик, паррандачилик, балиқчилик, асаларчилик, гўшт ва сутни, мева-сабзавотни қайта ишлаш ҳамда сервис хизматлари кўрсатиш йўналишлари йўлга қўйилди. Бу эса қишлоқ хўжалигини диверсификация қилиш, хў-

шимча иш ўринлари яратиш ва экспорт салоҳиятини оширишга хизмат қилмоқда. Албатта, ҳар соҳада бўлгани каби фермерлик фаолиятида ҳам муайян муаммолар учраб туради. Айниқса, ҳуқуқий масалаларда тегишли идоралар кўмаги муҳим аҳамият касб этди. Самарқанд вилояти фермерлари кенгаши ва туман кенгашлари томонидан фермер хўжаликларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш борасида тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Самарқанд вилоят фермерлар кенгаши раиси Аброр Раббимовнинг етакчилигида давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий ҳокимият органлари, тайёрлов, таъминот ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари билан муносабатларда, назорат қилувчи органлар томонидан текширишлар ўтказиш жараёнида ҳамда судларда ишларни қўриб чиқиш ва ҳимоя қилишда кўмакчи бўлмоқда. Чунинчи, ўтган йили кенгаш ҳуқуқшуносларининг бевосита амалий ёрдами билан фермер хўжаликларини манфаатини ҳимоя қилиш, тайёрлов, маҳсулот етказиб беришчи ва хизмат кўрсатиш ташкилотларидан ҳақларини ундириш бериш бўйича 46.8 млрд сўмлик қарийб 812 та давво аризалари киритилган бўлса, шундан 746 таси қаноатлантирилиб, 42.1 млрд сўмини ундириш бўйича судларнинг қарорлари қабул қилинди, 164 та ижро варақаси орқали 2.75 млрд сўм маблағ фермерлар ҳисоб рақамига қайтарилди.


Қисқача айтганда, ерни севган, қадрига етган инсон учун ҳар фасл – меҳнат фасли. Самарқандлик фермерлар ана шундай фидойилар сафиди. Улар яратётган барака эса халқ дастурхони тўкинлиги, юрт фаровонлигига хизмат қилмоқда.

Муҳаббат РАВШАНОВА, "XXI asr" мухбири


 ХАЁТ ҲАҚИҚАТЛАРИ


 Аҳмаджон Мелибоев:

МАҚТАНИШ ЭМАС, УЯЛИШ КЕРАК



Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист Аҳмаджон Мелибоев муборак 80 ёшни қарши олмақда. Унинг сермазмун ижод йўли, матбуот ривожига қўшган ҳиссаси алоҳида эътироф этилади. Устоз қаламига мансуб мақолалар ўқувчиларни фикрлашга, ҳаётга теран нигоҳ билан қарашга ундайди. Аҳмаджон Мелибоевнинг яна бир муҳим хизмати ёш ижодкорларга йўл-йўриқ кўрсатиб келаётганидир. Олий ўқув юртида талабаларга таълим беришидан ташқари бевосита амалиёт жабҳасида кўплаб шогирдларнинг камол топишига сабабчи бўлмоқда. Шу жиҳатдан нафақат маҳоратли публицист, балки тажрибали устоз сифатида ҳам қадрланади. “XXI asr” газетасининг бугунги сонидида Аҳмаджон Мелибоевнинг “Кўнгил дафтаридаги битиклар”идан айрим намуналарни эътиборингизга ҳавола қиламиз.

ИБРАТ

Ибрат олишга молик ишлар ҳамма жойда бор.

Японияга борган педагог олимлар маҳаллий маъмуллардан мамлакатда ўқитувчиларнинг байрами қачон нишонланишини сўрашибди. Мезбонлар аввалига ҳайрон бўлишибди, сўнг ғурур билан: “Биз ўқитувчи мураббийларни йил давомида шарафлаймиз, уларни ҳар кунни эъзозлаймиз”, дейишибди...

2013 йили Япония темир йўл бошқармаси йўловчи бўлмагани учун бир бекатни ёпишга қарор қилади. Аммо бир қизалоқ айни шу бекат орқали мактабга қатнаётгани маълум бўлади. Маҳаллий ҳокимият қизчанинг узлуксиз таълим олиши учун бекат фаолиятини тўхтатмасликка қарор қилади. Поезд уч йил давомида Ҳоккайдо оролининг Кю-Ширатаки бекатига кунига икки марта – шу қизалоқ учун тўхтаб ўтади. Поезднинг тўхташ вақти қизнинг мактабга бориш ва қайтиш вақтига қараб белгиланади. Қизча 2016 йили мактабни битиради ва бекат ёпилади...

Финландиялик ўқитувчилар ўқувчиларнинг ота-оналари билан танишишлари, уларни мактабга, биздагидек ота-оналар мажлисига таклиф этишлари мумкин эмас. Ҳамма муаммо мактабнинг ўзида ҳал қилинади. Аълочи ва улгурмовчи ўқувчилар ажратилмайди. Музей ва бошқа жойларга уюштирилаётган саёҳатлар мактаб маъмурияти ҳисобидан бўлади.

Эрталаб соат 8.00 да мактаб эшиги ёпилади ва машғулотлар тугагунча ҳеч ким бу даргоҳни бевозта қилмайди...

ЗЕҲН

Етмишта тилни билган, 160 дан ортиқ асарлар ёзиб қолдирган улуғ аллома Абу Наср Форобийнинг “Фозил одамлар шаҳри” китобини мутлола қилишдан қарчамайман. У зотнинг фикрида, ўзида (фелъ-атвори, хулқ-одобида) қуйидаги хислат-фазилатларни бир-

лаштирган кишини ахлоқли дейиш мумкин. Бундай киши:

“Танасининг барча аъзолари мукамал даражада ривожланган ва соғлом бўлиши керак.

Зиддиятчи масалалар моҳиятини тез ва тўғри англайдиган, сўзловчининг мақсадини, сўзларининг рост ёки ёлғонлигини фарқлай олсин. Хотираси бақувват бўлсин, эшитганларини ёдидан чиқармасин.

Зеҳни бирор аломатни (файритабилий ҳолатни) аввалдан фаҳмлаш, бу аломат нимани англатишини (сабабини) сезиш даражасида бўлсин.

Нутқи раван, талаффузи содда ва тушунарли бўлсин, айтмоқчи бўлган фикрларини тушуниш бошқалар учун қийин бўлмасин.

Илм олишга, билмаган нарсаларини ўрганишга иштиёқда бўлсин, бу заҳматдан қарчаш нималигини билмасин, билмоқчи бўлганларини тез ўзлаштирасин.

Овқатланишда, ичимлик истеъмол қилишда очкўз бўлмасин. Қимор ўйинларидан узоқда бўлсин, бундай нарсалар келтирадиган хурсандликдан жиркансин.

Ҳақиқатни ва ҳақиқат тарафдорларини қадрласин. Ёлғонга, ёлғон сўзловчиларга нафрат билан қарасин. Руҳий ғурури ва виждонини ҳаммиша қадрласин. Бойликка, пул йиғишга жирканиш билан қарасин.

Яқинлари ва бошқаларга ҳаммиса адолатли бўлсин. Жабр ва зулм ўтказувчиларга нафрат билан қарасин.

Одамларга гўзал ва яхши нарсаларни ҳада қилишни унутмасин. Адолатли бўлсин, аммо қайсар бўлмасин, адолат олдида қайсарлик қилиб, димоғдорликка берилмасин. Ўзи зарур деб билган нарсаларининг амалга ошишида қатъиятли ва қўрқмас бўлсин, жасурлик кўрсатсин, ожизлик қилмасин”.

ШИКОЯТ

Катта идорада ишлаётган кезларим. Узоқроқ туманда яшайдиган бир кишидан кунда-кунора шикоят хати келади. Мазмуни бир хил: “Ме-

ни ҳеч ким эшитмайди, мажлисга чақирмайди, элга кўшишмайди, муаммоларни ҳал қилиш йўллари айтсам парво қилишмайди. Ҳаммаёқ расво, одамлар норизо. Менга эса йўл йўқ, Чунки мен бошқаларга ўхшаб лаганбардорлик қилмайман, ҳақиқатни гапираман, лавозимга қараб ўтирмайман. Борни бор, йўқни йўқ дейман, айблари очилиб қолишидан қўрқиб, мени доимо четга суришади. Қани адолат?..”

Идора ходимлари унинг бундай мазмундаги хатларига эътибор бермай қўйишган экан. Менда эса бу чин ёки сохта ҳақиқатпарвар билан танишиш, фикрларини эшитиш истаги туғилди. Хизмат сафари билан у яшайдиган туманга бориб, масъуллардан сўрадим. Ҳаммалари бошларини сарак-сарак қилиб, “Муттаҳам бир одам, ёмонлашдан бошқани билмайди, шикоят устига шикоят ёзади. Учрашмаганимиз маъқул, эртага сизнинг устингиздан ҳам ёзиши мумкин”, дейишди.

Бу гап менинг унга бўлган қизиқишимни янада орттирди. Бир ўзим учрашдим. Дастлаб менга ўта ҳадиксираб қаради, гувоҳномамни кўрганидан кейин сал ўзига келди. Ўн йил тарих фанидан дарс берган, мактаб маъмурияти, туман раҳбарлари билан келиша олмай (мажлисларда танқидий гапларни гапирвергани учун) ишдан бўшатилган ўқитувчи экан. Мен унга шикоят хатларига кўтарилган муаммоларни ўрганиш, агар ҳақ бўлса, ёрдам бериш, ишига тиклаш учун келганимни айтдим. Нима гапирса, фикрини бўлмай эшитдим, баъзан-баъзан айтаётганларини маъқуллагандай, бовимни қимирлатиб ҳам турдим. У бундан илҳомланиб, янада жўшди. Мулоқотимиз сўнггида унга: “Эртага мактабда йиғилиш ўтказамиз, туман раҳбарлари ҳам келишади. Мен ўзим сизга сўз берман. Ҳеч ким гапингизни бўлмайди. Қанча хоҳласангиз, шунча гапирасиз. Бугун менга айтганларингизни битта қолдирмай айтасиз, ёзиб оламиз”, дедим.

Сўхбатдошим аввалига хурсанд бўлди – юзи ёришди, кўзлари

чақнаб кетди. “Умримда биринчи марта сўзим бўлигани йўқ. Шунисига ҳам раҳмат. Бораман, албатта бораман, ҳаммасини айтиб бераман”, деди. Аммо зум ўтмай фикридан қайтди. Кўзларимга тикилиб, бир нималарни уққандай бўлдим, “Мен сизга бор гапни айтиб бердим-ку, шунинг ўзи етарли эмасми?”, деди. “Етарли эмас, мажлисда айтасиз, ҳамма эшитсин, хулоса чиқарсин, бундай имконият бошқа бўлмаслиги мумкин”, дедим. Мажлисга ҳамма йиғилди, аммо шикоятчи келгани йўқ. Уйига одам жўнатдик. Дарвозани кулфлаб, қаергадир кетибди.

Тошкентга қайтдим, катта идорада яна бир-икки йил ишладим, аммо “ҳақиқатпарвар” танишимдан бошқа шикоят келмади...

ЙИГИ

Бир жанозада йиғичи аёл шундай йиғлади, шундай йиғладики, дафн маросимига йиғилганлар сел бўлиб кетди. Айтиб-айтиб, соч юлиб, юз йиртиб йиғлагандай бўлди, назаримда. Унинг таъсирчан айтимлари, шеърый ташбеҳлари, тош кўнгилни мумдай эритадиган қўшиқмамо оҳанглари мусибат юкини янада оғирлаштиради.

Ёнимда турган кишидан йиғичи аёл ҳақида сўраганим, “Бугун у хизматда-да, тирикчилиги шу. Икки ҳафта олдин онаси қаза қилди, бунчалар дод солгани йўқ”, деди...

ҲИСОБОТ

Телекўрсатувда мутасаддилардан бири амалга ошираётган хайрли ишлари тўғрисида гапирар экан, “Ўтган йили ногиронларга жамғармаюз ҳисобидан бир юз элликта қоляска совға қилгандик, бу йилнинг тўққиз ойида икки юз йиғирма кишига шундай совға улашдик, келгусида яна кўпайтирамиз”, деди. Мен у кишининг сўзини бўлиб, “Биродар, бу иш учун мақтаниш эмас, уялиш керак”, дедим.

Нега шундай деганимиз фаҳмлагандирсиз?..


 ЭХТИРОМ

СЎЗ АЙТИШ УЧУН МАЙДОН БЕРДИ

2004 йил. Партия газеталаридан бирида иш бошлаганман. Руҳан жуда тушкун эдим: ўзимга ишончим сўнган, “Пойтахтда қолганим нотўғри қарор бўлмадиммикан, қишлоққа қайтганим тузукдир”, деган гумонлар кўнгилимни кемирарди.

Тахририят йиғилишида Кумуш Раззоқова билан суҳбатим асосида ёзилган мақолам устидан очикчасига кулишди. Шунда раҳматли Ҳалима Худойбердиева ва Абдуқамом Йўлдошев мени чақириб:

– Бу мақоланинг жойи “Адабиёт ва санъат”да. Сенинг бош муҳарриринг – Аҳмаджон Мелибоев, – дейишди.

Ҳалима опа Аҳмаджон акага телефон қилди. Мен мақолани Гулчехра Умаровга топшириб қайтдим. Ишхонага энди кириб келгандимки, кўнғироқ бўлди:

– Бош муҳарриримиз мақолангизга учта плюс қўйди. Бир келиб кетинг, учрашмоқчи, – деди Гулчехра опа.

Уша дамдаги аҳолимни тасаввур қилиш қийин эмас: гўё қанот чиқди-ю, учиб бордим. Суҳбатимиз яхши ўтди.

Аҳмаджон ака ўшанда бир гап айтганди:

– Ҳаётда энса қотирадиган ишлар кўп. Сен энса қотирмаслигини ўрган. Шунинг ёнгсанг – бўлди...

Устоз беш йил давомида бу ўғитни бот-бот эслатиб турди. Қолганини эса ҳаётнинг ўзи қайта-қайта ёдимга солди.

Ҳаётда ўзим керакли деб билган, аммо қандайдир сабаблар билан бош муҳаррир ўчириб ташлаган жумлаларни саҳифалаш жараёнида яна тиклаб қўярдим. Таомилга кўра, бош муҳаррирдан кейин ҳеч ким қалам теккизмаслиги керак. Бу ҳолат бир эмас, бир неча бор такрорланган. Аммо ҳеч қачон эътироз ёки сас-садо бўлмади.

Аҳмаджон ака бош муҳаррирликдан кетганидан кейин бу ишим учун уэр сўрадим. У киши эса:

– Биламан. Фалон мақолада мана бундай қолдиргансан, – деб, ҳатто ёддан айтиб берди. – Фақат сенинг шаштинг сўнмасин, қатъиятинг синмасин деб, кўрмаганликка олганман, – деди.

Аҳмаджон аканинг иш йўсини гўё симфоник оркестрни бошқараётган уста дирижёр санъатига ўхшарди. Ҳар бир сўз ўз ўрнида жаранларди: барабан ҳам, саксофон ҳам. У ходимларни катта-кичик, истеъдодли ёки ноқис деб ажратмас, ҳар бирининг имкониятини ҳисобга олиб иш турарди. Ожизликлари билан қабул қила оларди.

“Газетчи ҳамма мавзуда ёза олиши шарт” ёки “Ходим ҳар қандай топшириққа сўзсиз итоат этиши керак” деган тугуллардан узоқ эди. Цензуранинг муҳташам деворини айланма йўллар билан юмшатиб ўтар, жамоада зиддият чиқармасликка, муаммоларни мутойиба билан ҳал қилишга интиларди.

Раҳбарликнинг нозик ўйинларини маҳорат билан олиб борарди. Масалан, бирор ходим кетма-кет мақолалари билан кўзга ташланиб, унинг шаънига мақтовлар кўпайиб кетса, жамоа олдида унинг “таъзир”ини берарди. Танбеҳ учун доим сабаблар топилади. Кейин эса яқна ҳолда узрини ҳам айтарди. Бундай похол дўқлар жамоада ҳасаду иғво уруғлари унмаслиги ҳамда ёш ходим кибрга кетмаслиги учун керак эди. У ҳамманинг кайфиятини, истагини ҳисобга оларди.

Бир мажлисда менинг “Дийдор” театр-студиясида ўқишим муҳокама қилинди.

– Газетада адашиб нима қилиб юрибсан, бор – актрисалик қил! – деб қаттиқ танбеҳ берди.

Йиғилиш тугаганидан кейин икки соатлар ўтди. Аҳмаджон ака хонамга кириб:

– Ие, кетмадингми? Баҳодирнинг (афсонавий режиссёр Баҳодир Йўлдошев назарда тутиляпти – тахририят изоҳи) дарсларини қолдирма, ҳали сенга кўп асқатади. Фақат баъзан бетингги қаттиқ қилиб, дўқларимга чидаб берсан бўлди, кейинги мажлис сени қулқосизлигинг ҳақида, – деб чиқиб кетди.

2006 йил. “Атиргул” танлови ғолиблари қаторида менинг номим ҳам пайдо бўлиб қолди. Тақдирлаш маросимидан икки кун олдин тадбирга масъул олаҳон телефон қилди:

– Қани, сизга билдирган ишончимизни бир оқланг-чи, эртагача фалончи-фалончилар ҳақида иккита портрет-очерк тайёр бўлсин! – деб шартта телефонни қўйди.

Муздек сувга тушган мушук ҳолида эдим. Биринчидан, ҳозиржавоб журналист эмасман. Иккинчидан, ҳукмфармо оҳанг оғир ботди.

Шарт бош муҳаррир хонасига кирдим. Авзойим бўзарганини кўрган Аҳмаджон ака дардимни дoston қилишимга улгурмай:

– Ҳозир сен бунча топшириқларга “йўқ” дейишни ўрганмасанг, бора-бора ҳеч кимга айланасан. Сўзингнинг қадр қолмайди. Бермаса бермасин ўша мукофотини. Ҳеч нарса йўқотмайсан, – деди...

Гўё елкамдан тоғ ағдарилди. Енгил тортдим. Йиллардики, устознинг бу ўғити билан елкамдан қанчадан-қанча тоғларни ағдариб келаямман...

Йўл бошида кимни учратганим, ишдаги илк йўлбошчинг ким бўлгани бутун ҳаётингга таъсир қилар экан. Кейин қаерда, ким билан ишламай, ўз-ўзидан раҳбарларимдан кенгфелъликни, тоқатни, очик фикр ва доноликка йўғрилган устамонликни излай бошладим.

Бу хислатларнинг бари Аҳмаджон Мелибоевда бор. Устоз менда ўзимга ишончини уйғотди, сўз айтиш учун майдон берди, фикрларимни катта йўлга олиб чиқди...

Қолгани эса ҳаётнинг ҳукмига ҳавола!

Иқбол ҚЎШШАЕВА

МУАССИС: TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI –
O‘ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI



Бош муҳаррир
Норқобил ЖАЛИЛОВ

Тахрир хайъати:

Ақтам ХАЙТОВ
Бахтиёр ЯКУБОВ
Сирожддин САЙИЙД

Дилшод ШОУМАРОВ
Равшан МАМУТОВ
Нодир ЖУМАЕВ

Гулшана ХУДОЁРОВА
Шухрат АСЛОНОВ
Абдулла АСЛОНОВ

Тахририят манзили:
Тошкент шаҳри
Нукус кўчаси 73А-уй.

электрон почта:
xxi_asr@mail.uz
xxi_asr@mail.ru



Телефонлар:

қабулхона –
71 215-63-80
(тел./факс).

Обуна ва реклама
бўлими –
71 255-68-50.

“XXI asr” ижтимоий-сиёсий газетаси
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот
агентлиги (собиқ Ўзбекистон Республикаси
Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва
оммавий коммуникациялар агентлиги)да 2011 йил
14 июнда 0009-рақами билан рўйхатдан ўтказилган.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик
компанияси бошмақонсида chop этилди.

Корхона манзили:
Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси 41-уй.
Газета офсет усулида, А-2 форматда
босилди. Ҳажми – 3 босма табоқ,
Буюртма рақами: Т – 0345
Адади: 6267
Баҳоиси келишилган нархда.
Топширилди – 18:00

Тахририятга келган кўлэмалар тақрир
қилинмайди ва муаллифларга
қайтарилмайди.

© “XXI asr” дунда олинган маълумотларга манба
сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.

Муаллифлар фикри тахририят нуктаи
назаридан фарқ қилиши мумкин.

Саҳифаловчи:
Маъруфжон Раҳмонов



НАШР КЎРСАТКИЧИ: 406

1 2 3 4 5 6

Навбатчи муҳаррир:
Фаррух ЖАББОРОВ